



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 8 июнь, чоршанба

№ 46 (11.745)

Эркин нархда сотилади

«Пилла — 2005»

БУЛАР ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Вилоятда кумуш тола тайёрлаш мавсуми ҳал қилувчи босқичга кирди. Ипак қурти парваришини ҳар томонлама пухта ташкил этган илгор туманлар пиллакорлари белгиланган режани қисқа муддатда бажариб, энди топшириққа қўшимча хом ашё тайёрлашмоқда.



граммдан пахта ёғи олган эди. Мавсум якунида эса, топширган ҳар килограмм пилласи учун тахминан 800 сўм атрофида ҳақ олади.

Умуман, туман бўйича ҳар бир пиллакор мавсум олди-дан юқоридаги тартибда моддий рағбатлантирилгани боис ҳосил ҳар қачонгидан мўл, сифатли ва эртаки бўлди. Масалан, Навоий номили ҳўжалиқдан Норбиби Усмонова бир қўтидан 95 килограмм пилла топшириб, энг юқори кўрсаткичга эришгани учун туман «Сорбон» пиллачилик хиссадорлик жамияти томонидан 5 метр атлас билан мукофотланди.

Моддий манфаатдорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини Юқоричиққ туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунак пулидан ташқари ҳўжалик пиллакорларга ўз ҳисобидан бир қўлдан ун берди. Бундан ташқари мавсум якунида топширилган ҳар килограмм пилла учун бир килограммдан бундоғ, ғалладан бўшаган майдонлардан такрорий экин экиб олиш учун ер берилиши маълум қилинди. Натижанда пиллакорлар астойдил

ишлаб, 400 қўти ҳисобидан 26 тонна сифатли хом ашё етиштирдилар. Уртача ҳосилдорлик 65 килограммданга тўғри келди. Мавлуда Исомиддинова, Салима Бекжонова, Мирвосит Миробидов, Бернора Унарова сингари пиллакорлар ҳосилдорлики 100-110 килограммга етказишди.

Қабул пунктларига хом ашё топшириш режасини «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги «Гулистон»дан сўнг туманда иккинчи бўлиб бажарди. Топшириқдаги 9 тонна ўрнига 10 тоннадан зиёд пилла етиштирилди.

Кеча Бўка тумани пиллакорлари ҳам қабул пунктларига 152 тоннадан зиёд хом ашё етказиб бериб, топшириқни ортиги билан бажардилар.

Вилоятда пилла тайёрлаш ҳал қилувчи паллага кирди. Кечаги кунгача жами 20623 қўтидан 16673 қўтининг пилласи териб бўлинди. Тайёрланган пилла 912 тоннадан ошди. Бу топшириққа нисбатан 80 фоизга тенгдир.

Абдусамад Йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Улуғбек номили ширкат ҳўжалигининг ҳар қўтидан 75 килограммдан ошириб ҳосил олган тажрибали пиллакорлари Мухтор Одинаев, Рўзбой Самадов, Исроил Набиқонов; «Гулистон» ҳўжалиги илгор пиллакори Мавлуда Исомиддинова, Мухаррам Тошўлатова ҳамда қизи Сурайё ва келини Севара Исомиддиновалар билан пилла терийшмоқда.

С. ДОТГОЕВ ва **Е. БОТИРОВ** олган суратлар.



Бу йил Окқўрғон тумани пиллакорлари кумуш тола етиштириш топширигини вилоятда биринчи бўлиб бажаришга эришдилар. «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги туманининг умумий хирмонига, айниқса, баракали ҳисса қўшди. Ҳўжалик аъзолари топшириқдаги 6,4 тонна ўрнига 8,7 тонна сифатли хом ашё етиштириб, режани 135,9 фоиз бажардилар. Шунингдек, «Қаҳрамон» ширкат ҳўжалиги қабул пунктга 6500 килограмм ўрнига 8700 килограмм юқори навли пилла етказиб берди.

Туман бўйича 6 июнь ҳолатига 102,5 тонна хом ашё тайёрланди. Ҳар қўтидан олинаётган ўртача ҳосил 58,8 килограммданга тўғри келмоқда. Бу вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

Чинозликлар учун ҳам бу йилги мавсум муваффақиятли келди. Улар пилла тайёрлаш топширигини вилоятда иккинчи бўлиб бажаришди. 6 июнь ҳолатига 2000 қўтидан топшириқдаги 102 тонна ўрнига 103,7 тонна сифатли пилла топширилди. Умумий хирмонга Навоий номили ширкат ҳўжалиги 8389 килограмм, «Дўстлик» ҳўжалиги 6842 килограмм пилласи билан салмоқли улуш қўшди.

Бекобод — вилоятда энг кўп пилла етиштирадиган туман. Бу йилги режа — 2750 қўти кўрт уруғини парваришлаб, 160 тонна пилла етиштириш. Шуниси диққатга сазоворки, туман пиллакорлари зиммаларидиёғи вазифа бирмунча оғир бўлишига қарамай, кечаги кунгача қабул пунктларига 165 тонна сифатли пилла топшириб, режани ортиги билан бажарди-

лар. Энг муҳими, бир қўтидан олинаётган ҳосил туман бўйича ўртача 60,2 килограммни ташкил этмоқда. Айтиш мумкинки, бу вилоятда энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Туман пилла хирмонига Навоий номили ширкат ҳўжалиги энг кўп — 21176 килограмм, Улуғбек номили ҳўжалик 14500 килограмм ҳосил тўқди.

Айрим тажрибали пиллакорлар ҳосилдорликда ҳар йилгидан юқори натижага эришиб, мўмай даромад эгаси ҳам бўлишди. Хусусан, «Далварзин» ширкат ҳўжалигидан Абдуқалил Орузматов 4 қўти кўрт уруғини парваришлаб, 365 килограмм сифатли пилла топширди. Мавсум арафасида эса, ҳар қўтисига 10,5 минг сўмдан нақд бунак пули, 50 килограммдан ун, 5 кило-

Муносабат

МАҚСАДЛИ ҚАРВОН ОРТГА ЧЕКИНМАС

Жаҳонда мўтабар икки неъмат бор: бири — Ватан, бири — она. Она — бу ёруғ дунёга келишимизга сабабчи бўлган, оқ сўт бериб улгайтарин улуг зот. Ватан — бизни кўз қорачиқдай асрайдиган табарруқ заминдир.

Мусофирлик жафосини тортганлар Ватан қадрига кўпроқ етадилар. Бу фикрни Бобур, Фурқат каби боболаримизнинг қисмати ҳам тасдиқлайди, улар тутилган юртдан олисда Ватанин кўмсаб яшаганлар. Макон туйғуси ҳатто жониворларга ҳам бегона эмас. Навоий бобомиз бунинг бениҳоя тасвирини ифодалаган:

Не наво саз айлағай
Булбул гулистондан жудо.
Шундай экан, инсон қандай қилиб ўз Ватанини севмаслиги, уни эъзозламаслиги мумкин, ахир?!

Шулар ҳақида ўйлар эканман, Андижондаги воқеаларни эслаб, изтиробга тушаман. Кимларнингдир манфаатпарастлиги, фитанлари боис бегоно инсонлар қони тўкилгани, эл нотинч бўлгани юрагини ўртайдди.

Мустиқилликка қанчалар зор бўлган эдик, ҳайрият, нури тоғ ҳам отди, эркинликка ҳам эришдик. Қарийб ўн тўрт йилдирки, мамлакатимиз мустиқил тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Табиийки, ўтиш даврининг мураккабликлари билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни ҳал этиш учун эса

фақат ҳамкорликда меҳнат қилаемиз.

Афсуски, осойишталигимизни, тараққиёт йўлидан дадил бораётганимизни кўра олмаётган айрим гаразли кўчлар ўз қора ниятларини амалга ошириш учун ҳаётимизга кўткү солмоқда.

Лекин ҳалқимиз ўз эркини ҳимоя қилишга қодирлигини яна бир бор кўрсатди. Андижон воқеалари бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади. Нафсига қул бўлиб, ҳокимият илжинида эл осойишталигига раҳна солишга интилган экстремист гуруҳлар қаттиқ зарбага уиради. Андижон шаҳрида юз берган мудиш воқеалар Ўзбекистондаги барча миллат вакиллари томонидан қораланаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Демократик жамиятимизга, тинчлик ва осойишталигимизга, Ўзбекистон мустиқилигига раҳна солмоқчи бўлган шароитлар бу гал ҳам ўзларининг ҳақиқий башараларини ўз қилмишлари билан ошқор қилишди. Диний экстремистлар ортида мустиқил Ватанимиз раҳнақини кўра олмаётган, ҳокимиятни эгаллаш хомжаёидаги қора кўчлар мав-

жудлиги сир эмас. Фанимлар кўткусига учиб, ўз халқи, Ватанига ёвузларча таъвоуз қилиш, ўз онаси кўксига ўқ урган билан баробарлигини билмаганларнинг жиноятқорона қилмишларини жаҳон ҳамжамияти ҳам қорламоқда.

Юртбошимизнинг: «Огоҳ бўлишимиз керак!», — деган даъвати бугун ҳар биримизга дастуриламал бўлмоғи лозим. Ақиданарастлик, диний экстремизм ҳиятда терроризмининг қора ниятларига қарши курашда Юртбошимиз атрофига жиғслашиб, демократия ва адолат йўлида собитлик, мустиқилликни мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир. Шундангина улуг мақсадларимиз йўлига ҳеч қандай кўч ғов бўла олмайди.

Бугун бутун мамлакатимизда, жумладан, Андижонда ҳам тинч ҳаёт давом этмоқда. Кечасо ёш баҳамжиҳат меҳнат қилиб, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда. Иқтисодий барқарорлик мустаҳкамланмоқда. Яқинда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган «Барқамол авлод» спорт мусобақаларида андижонлик ёшлар биринчи ўринни қўлга киритгани ҳам бунинг ёркин исботидир. Ёруғ манзилларга интилган қарвон асло ортга чекинмайди.

Абдугани
СУЛАЙМОНОВ.

САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўз-кўргазмасавдо» кўргазма мажмуида шаҳар савдо-саноат ярмаркаси очилди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимлиги Республика савдо-саноат палатаси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев ярмаркани очар экан, жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш давлатимиз раҳбари Исрол Каримов томонидан белгилаб берилган тамойиллар асосида изчил амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада тадбиркорлик, ишбилармонлик ва хусусий сектор ривожига алоҳида эътибор қаратилади.

Бугун Тошкент шаҳри республика иқтисодиетида салмоқли ўринни эгаллайди. Шаҳарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат МДХ республикалари, балки кўплаб ривожланган давлатларда ҳам яхши маълумдир. Шу билан бирга азим пойтахтимизнинг салоҳияти ва мавжуд имкониятларидан ҳали тўла-тўқис фойдаланилаётди, деб бўлмайд.

Уч кун давом этадиган ярмаркада мебель, қурилиш, пойабзал, кимё, полиграфия, озиқ-овқат, энгил саноат, тиббиёт, минитехнология ва бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи қарийб 140 компания ва қорхона ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Ярмарка доирасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, солиқ ва божхона қонунчилиги, кичик хусусий бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолияти, кредитлаш тизими каби мавзуларда семинарлар ўтказилди. Янги ташкил этилган айрим компанияларнинг тақдироти бўлади.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ЭЪТИБОРДА

Ўртачирчиқ туманидаги Кўчлик маҳалласида туман прокуратураси ҳамда туман ҳокимлиги ҳузурдаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

Унда 17, 39, 45-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари, маҳалла фуқаролари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар асосий эътиборни ёшлар тарбиясида

ота-она, маҳалла, мактаб жамоасининг ўрни, таълим-тарбиянинг ҳозирги кундаги аҳволи, амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларга қаратишди.

Азиз БЕКНАЗАРОВ.

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ НИҲОЛИ

Оҳангарон шаҳридаги Янгилик маҳалласида «Болалар — келажак ниҳоли» мавзусида қуноқ шаҳарча ўйини ташкил этилди.

Унда маҳалла болалари гуруҳларга бўлиниб, 4 турда жумладан, асфальтга расм чизиш, ўзларининг ижод намуналари, спорт мусобақалари ҳамда савол-жавоб

каби шартларни бажаришди. Шунингдек, «Соғлом тиш соҳиб» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Лазизхон ҲАСАНОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

МИЛЛИЙ МУКОФОТ ТАЪССИС ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий мукофот таъсис этиш ташаббуси билан чиқди.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган йилги ишда мазкур масала агарофича муҳокама этилди. Унда республикада фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда хорижий журналистлар иштирок этди.

Мукофот Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ташкил этилди. Маълумки, бу кун БМТ бosh ассамблеясининг қарорига биноан 10 йилдан буюн ҳар йили 3 май кунини нишонланади. Миллий мукофот ҳар йили журналистик ижоднинг тўрт йўналиши бўйича

ўтказилиб, «Журналистиканинг ривожланишига қўшган ҳиссаси», «Энг яхши журналистик тадқиқот», «Фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги энг яхши репортаж» сингари 10 та номинация бўйича голиблар аниқланади ва тақдирланади.

Иштирокчилар журналистика соҳасида бундай мукофотнинг таъсис этилиши Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштиришда муҳим ўрин тутажани таъкидлади.

Камолддин АСҚАРОВ.

ФЕРМЕРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ЖОЙЛАРДА БИЗНЕС-МАКТАБЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛА БОШЛАДИ. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА ОЧИЛГАН БУНДАЙ БИЛИМ ВА МАХОРАТ МАРКАЗИ ВИЛОЯТИМИЗ ХУДУДИДА ИШ БОШЛАГАН ДАСТАБКИ БИЗНЕС-МАКТАБИ ХИСОбLANADI.

Амалда фаолият кўрсатаётган ҳамда янгидан ташкил топаётган фермерларни бозор иқтисодиёти шароитида биз-

УНИВЕРСИТЕТДА БИЗНЕС-МАКТАБ

несни олиб бориш ва бошқариш, бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш, банклар билан муносабатларни йўлга қўйиш каби масалалар билан ақиндан таништиришни бизнес-мактаб ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Машғулотларда тингловчилар аграр соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва моти-яти билан ҳам танишиб борадилар.

Ақбар АЛИЕВ.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Вилоят умумтаълим мактабларида сўнгги кўнгирак садоси янгаринга ўн беш кун бўлди. Айни пайтда навбатдаги ўқув йилини муваффақиятли якунлаган ўғил-қизлар вилоятнинг кўп тоғ барқарорда жойлашган болалар оромгоҳларига ҳаяжон ва завқ-шавқ билан оғланмоқдалар.

Мутасадди ташкилотлар вилоятдаги мавжуд оромгоҳларни дам олиш мавсумига вақтида ва мукамал тайёрлаш мақсадида бор имкониятларини ишга солиди, барча зарур чора-тадбирларни кўрди. Тайёргарлик ишлари вилоят доимий комиссияси томонидан жиҳдий назорат қилиб борилади.

Бу йил Бўстонлик туманининг тоғли хуудуларидидаги барча болалар оромгоҳлари мавсумга барвақт тахт қилинди. Бундан ташқари, турли ташкилотларга қарашли 7 та оромгоҳ ҳам болаларни қабул қилишга тайёр. Жами 30822 нафар мактаб ўқувчиларининг дам олишлари режалаштирилган.

Тумандаги «Чотқол», «Автомобилчи», «Алгоритм», «Камалак», «Геолог» оромгоҳларида болаларнинг ёғзи дам олишлари кўнгилдагидек ўтиши учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Масалан, «Меҳрибонлик» оромгоҳида дам олувчилар ёз даво-

мида тўрт марта алмашади. Ҳар сафар 200 нафардан, яъни мавсумда 800 ўқувчи мириқиб дам олади.

Айниқса, «Автомобилчи» оромгоҳида яратилган қулайликлар ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Ҳар сменада 320 ўқувчи дам олиб, мавсум давомида улар тўрт марта алмаштирилади. Бу ерда болалар қувнаб-яйраб ҳордиқ чиқаришлари учун турли тўғарлар ташкил этилади. Жумладан, «Моҳир кўлар», теннис, футбол, волейбол, сузиш, шахмат-шашка, энгил атлетика тўғараклари мунтазам ишлайди. Битта сув ҳавзаси, 324 ўринли ошона, маданият-маънави-

ят хонаси, 3000 дан зиёд китоб жамғармасига эга кутубхона дам олувчилар хизматига бўлади. Кунига олти маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Бир маҳалла шифокор, икки нафар ҳамшира болалар саломатлигини муҳофаза қилиб боради.

Оромгоҳ дастлабки дам олувчиларни қабул қилиб олди. Улар асосан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг болаларидир.

Самал Йўлдош.



Болалар ёзи — 2005

МИРИҚИБ ДАМ ОЛАДИЛАР

Мана икки кундирки вилоятимиздаги бир неча оромгоҳлар ёғзи соғломлаштириш ва дам олдирш мавсумини бошлаб, болаларни ўз бағрига оляпти.

Жумладан, «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятининг «Тонг» оромгоҳи эса, 460 нафар болани қабул қилди. Болақайлар энди 18 кун хушхаво тоғ бағрида мириқиб хордиқ чиқаришади. Бу даврда улар учун турли маънавий-маърифий ва кўнгилочар кеча ҳамда учрашулар, шунингдек, гуруҳлараро спорт мусобақалари ташкил қилинади.

Бугун «Тонг» оромгоҳи Оролбўйи минтақасидаги боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 60 нафар фарзандини қабул қилиб олади.

Савд ҲАСАНОВ.

Мамлакатимизда барқарор экологик вазиятни таъминлаш мақсадида ҳар йили уч босқичда анъанавий «Экология ва саломатлик кунлари» уюштириб келинмоқда.

Ушбу дастур доирасида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб 1 июндан 10 июнгача «Санитария, гигиена ва экологик маданият» декадаси ўтказилмоқда. Кунги кеча ташкил этилган «Экофестиваль» ҳам унинг таркибий қисми бўлди. Унда ва-

ЭКОЛОГИК ЎН КУНЛИК ДОИРАСИДА

зирлик ва идоралар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, таълим ва ҳуқуқшунослар, таълимчи ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, «Экосан» уюшмаларининг аъзолари, эколог олимлар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Тошкентдаги «Туркистон» саройининг ёзги майдонида бўлиб ўтган бу фестивалда «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурига асосан ташкил қилинган «Вилоятимизни, шаҳримизни, туманимизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантирамиз» республика танловининг ғолиблари Эълон

қилинди ва тақдирланди. «Санитария маданияти юксак шаҳар», «Санитария маданияти юксак туман», «Санитария маданияти юксак қоронғи», «Санитария маданияти юксак маҳалла» йўналишлари бўйича ғолибларга «Экосан» халқаро ташкилотининг махсус диплому, мукофотлари ва қиммат-

баҳо совғалари топширилди. «Ўзбекистон миллий боғлари, экотуризм ва барқарор ривожланиш» мавзусидаги фўлгразмани ташкил этишда қўлга катнашган вилотиимиз вакили Угам-Чотқол миллий боғи жамоаси «Экосан» халқаро ташкилотининг совғасини олишга сазовор бўлди. Фестивалда «Тошкент экологияси: ёшлар ташаббуслари» танловининг ғолиблари ҳам маълум қилинди ва уларга қимматбаҳо мукофотлар берилди.

Тадбир

Паркент туманидаги Қўшчинор истироҳат боғида Халқаро бола-ларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

ҚЎШЧИНОРДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ



2004 йилда 840 ўринли янги мактаб биноси «Бойқозон» ширкат ҳўжалиги томонидан фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил умумий дастур асосида 5 та мактаб қайта таъмирланиб, янги ўқув йили арафасида топширилади. Янги ўқув йилига «Заркент» ширкат ҳўжалиги ҳам 260 ўринли мактаб биносини қуриб битказмоқда.

Тантанамда туман маданият бўлими, халқ таълими ва боғча болалари ҳамда ўсирилар ва ёшлар ижодиети маркази ҳаваскор ижрочиларининг куй-қўшиқлари, миллий рақслари барчани хушнуд қилди. Туман ҳокимилиги ва бошқа ҳомийлар 300 нафардан зиёд болага совға-саломлар тарқатди.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ясаган ҳайкалтарошлик, ҳунармандчилик, тикувчилик, тўқувчилик ва бошқа амалий санъат турлари намуналари кўргазмаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Узоқ-яқин қишлоқлардан 3 минг нафардан зиёд болалар ушбу тантанавга ташриф буюрди. «Паркент» ва «Сўқоқ» ширкат ҳўжаликлари томонидан ош тортиildi. Туман тадбиркорлар палатаси музейга ҳам қўшма сўғишлар берди.

Шу кунги истироҳат боғида ҳашар йўли билан барпо этилган кураш майдони фойдаланишга топширилди. — Ушбу тадбир ҳар йили ўтказиб келинади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Муҳсиниддин Ҳасанов. — Туманимиздаги 45 та умумтаълим мактабида 32 минг нафарга яқин, 18 та мактабгача таълим муассасаларида эса, 2 минг 200 нафар бола таълим-тарбия олади.



СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Зиёвуддин ҲОЛИҚОВ олган суратлар.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

АСКАРНИНГ САРАСИ СЕРЖАНТ БЎЛАДИ

Сўнгги вақтларда Қуролли Кучлар тизимида ислохотлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Асосий эътибор профессионал армияни шакллантиришга қаратилган.

Армия келажagini шартнома асосида хизмат қиладиган офицер ва ҳарбий хизматчилар ташкил қилади. Бунда кичик командирлар бўлини — сержантлар тарихига алоҳида аҳамият берилиши талаб этилади. Шунинг учун ислохотлар жараёнида сержантларни тайёрлаш тизими чуқур ўрганилиб, ҳозирги талабларга нисбатан қониқарсиз деб топилди.

Эски тизимда кичик командирларни танлаб олиш имконияти мавжуд эмас эди. Армияга қаҳқирланган ёшлардан бўлинига ташкил қилинарди. Ҳўқув қисмидаги олти ойлик ўқишни битиргандан сўнг, эндигина хизмат алифбосини ўрганган аскарларга кичик сержант унвони берилиб, ҳарбий қисмга юборилган. Уз-ўзидан тушунарлики, бундай сержант лозим даражада хурматга эга бўлмасди. Чунки, бунимда ундан кўпроқ хизмат қилган ва етарли билимга эга аскарлар хизмат қиларди. Хизмат муддатини ўтаб бўлаётган ана шу аскарлар жамоада ўз ҳўқиронликларини ўрнатилган ҳаракат қилишарди.

Шуларни ҳисобга олиб, сержантлар нуфузини, кичик командирлар обрў-эътиборини кўтариш учун тизимни тубдан ислох этиш бошланди. Шу мақсадда ривожланган давлатлар армияларининг таърибаси ўрганилиб ва сержантларни тайёрлаш янги тизим ишлаб чиқилди. 2001 йилда тўртта ҳарбий округда сержантларни тайёрлаш мактаблари ташкил қилинди. Уларнинг бири вилотиимизнинг Чирчиқ шаҳрида жойлашган.

Бугунги кунда кичик сержант унвонига эга бўлиш осон эмас. Аввало, ҳарбий қўшинларда ўз ҳаётини армия билан боғламоқ-

чи бўлган, шартнома асосида хизмат қилаётган, шунингдек, муддатли хизматни ўтаётган аскарлар ҳамда мудофаа ишлари бўйича бўлим ва бошқармаларда армия хизматини ўтаб келган аскарлар ўртасида танлов ўтказилади. Ундан ўтган номзодлар сержантларни тайёрлаш мактабларига юборилади. Бу ерда ҳам улар ўзларининг нуносиб эканликларини исботлаш учун жисмоний тайёргарликдан имтиҳон топшириб, тест синовларидан ўтишади. Мана шу «сўқоқлар»дан мувоффиқиятли ўтганларгина мактабга қабул қилинадилар.

Айтиш жоизки, ушбу мактаблар учун олти ойга мўлжалланган алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Улар қўшин сафлари учун турли мутахассислар тайёрлашни инобатга олиб, ўқув дастурлари ҳам хил тузилган. Ҳўқув вақтида курсантлар малакали ўқитувчи ва инструкторлар қўли остида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича билим ва малакаларини такомиллаштириш билан бирга педагогик ва психологик билим олиб, ўз савияларини оширишади.

Дастлабки кўнлардан мактабларнинг моддий-техник база билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Замонавий ўқитиш усуллари қўлланилган. Ҳар бир мактаб тўлиқ жиҳозланган компьютер хоналарига эгадир.

Мамлакатимиз раҳбари Ислоом Каримов амалга оширилмаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Шарқий-Ғарбий ва Жанубий-Ғарбий округлардаги сержантларни тайёрлаш мактабларига ташриф буюрган эди. Курсантлар ва ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг яшаш,

Ҳаётбахш удумлар

Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси фаолияти, иқтисодий-ижтимоий йўналишда олиб борилмаётган ишларнинг самараси ҳақида гап борганида ҳудуд аҳоли ҳар бир юмушга баҳамжиҳат киришмаётгани учун ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда салмоқли ютуқларга эришмаётгани тилга олинади.

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ



Халқимиз ҳамжиҳатлик катта давлатдир, деб бежиз айтмаган. Ҳашар йўли билан, ҳўқимларнинг, айниқса, бу ерда истикомат қилувчи оилалар, тадбиркорларнинг моддий ёрдамлари билан кўчалар обод бўлмоқда, янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Мавжуд маданий-маиший муассасалар таъмирланмоқда.

Бу йил ҳам хайрли ишлар кенг кўлабда давом эттириляпти. Қишлоқда шифокорлик пунктини таъмирлаш ишлари бошланмоқда. Бунинг учун 97 миллион сўмлик маблағ сарфлаш мўлжалланган. Муассасани замонавий типбетиб асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга Япониянинг республика-миздаги элчихонаси амалий ёрдам бермоқда. У ажратган грантдан фойдаланилади. Бундан ташқари, тумандаги қўзи охишлар жамиятига қарашли уйларнинг коммунал хизмат тармоқлари таъмирланмоқда. Бунинг учун икки миллион сўм сарфланди. Маҳаллада истикомат қилувчи оилаларнинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда фаол қатнашган, ўқишда ва ҳўқда намуна бўлаётган 50 оила фарзандлари Самарқандга тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш учун юборилди.

Қишлоқнинг марказий шифохонасига олиб борувчи таъмир талаб бўлиб қолган Фулом Азизов кўчасининг 800 метрлик қисми текисланиб, асфальт ётқизилди. Бу ишларни амалга оширишга Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солиҳўжа Норхўжаев, фаоллардан тадбиркор Жумабой Жемакаев ўз жамғармалари билан қарашдилар. Аҳмад Тўлаганов, Тўлқин Мавлонов, Тўраҳўжа Абдуллаев каби ишбилармонлар ҳам унда фаол қатнашдилар.

СУРАТДА: Зангиота туманидаги Фулом Азизов кўчасини таъмирлаш пайти. Даврон АҲМАД олган сурат.

Кўргазма

«Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

«Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

«Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

«Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

«Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонига «Муҳофазат, ҳавфсизлик ва ёнингга қарши ҳимоя» Марказий Осие халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ташкил этилганлигига қарийб тўрт йил бўлди. Бу тизим фуқароларнинг ҳўқуқий муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўтган вақт мобайнида ҳаётий жараёнларнинг ўзи исботлади.

ҚОНУНГА БИНОАН ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди томонидан шу кунга қадар беш миңдан ортиқ иш қўрилди. Қўрилган ишларнинг асосий қисми табиий бойликларни муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланишда қонунларнинг бузилиши ва келтирилган зарарни ундириш билан боғлиқ давлолат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бўйича томонларнинг шартномаларни бажармасликларидан келиб чиққан низолар, ижара ва пудрат шартномасидаги муносабатлар, тадбиркорлар ҳўқуқ ва манфаатларининг бузилиши, моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги муносабатлар, фуқароларнинг қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ва бошқа қатор ҳўқуқий масалалардир. Булар орасида энг қийин кечадиган жараён меърос масаласидир. Унга эгаллик қилиш ҳўқуқини қўлга киритиш мақсадида қариндошларнинг судлашуви, айниқса, ака-ука, опа-сингиллар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар фуқаролар билан боғлиқ суд жараёнларининг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатади.

Яқинда Б. Байзақов судга ариза билан мурожаат қилиб, таниши Б. Юнусалиевга 1 миллион 250 миң сўм қарз берганини, бироқ қарздор келишуви вақти ўтиб кетган бўлсада, пулларни қайтармаётганини билдирган. Суд ҳаётига ушбу ишни барқарор қилиш мақсадида қариндошларнинг судлашуви, айниқса, ака-ука, опа-сингиллар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар фуқаролар билан боғлиқ суд жараёнларининг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатади.

К. Хидирова эса судга мурожаатида йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида турмуш ўртоғи Қурбон Тўйчиевнинг вафот этганини айтиб, ўз даъвосида бу ҳодиса учун айбдор бўлган шахслардан эрининг маъракаларини ўтказиш учун 1 миллион 575 миң 989 сўм моддий ҳамда оиласига етказилган 1 миллионлик маънавий зарарни ундириб беришни сўрайди. Суд жараёнларида К. Хидирова судга мурожаат қилиб, таниши Б. Юнусалиевга 1 миллион 250 миң сўм қарз берганини, бироқ қарздор келишуви вақти ўтиб кетган бўлсада, пулларни қайтармаётганини билдирган. Суд ҳаётига ушбу ишни барқарор қилиш мақсадида қариндошларнинг судлашуви, айниқса, ака-ука, опа-сингиллар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар фуқаролар билан боғлиқ суд жараёнларининг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатади.

Мирўлат НИЁЗОВ, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди раиси. Раъшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Республикаимиз Президент таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги вақтда биз учун устувор бўлиб турган энг муҳим вазифаларнинг бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир. Сўнгги пайтда бу йўналишда муҳим қонун ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш томоғилари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёз ва енгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилган.

Тошкент вилотида ҳам бугун республикаимиздаги каби тадбиркорликни изчил қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилмоқда. Давлат мулк бўлимига таъминлаш билан боғлиқ тадбиркорларнинг ҳўқуқлари ва қўнилий манфаатларини ҳимоя қилишни тобора кучайтирмоқда. Ишбилармонлик тузилмалари раҳбарлари ўртасида уларнинг қўнунлар билан белгиланган ҳўқуқлари, имтиёз ва кафолатлари кенг тарғиб қилинмоқда. Вилот адлия бошқармасида тадбиркорларни ҳўқуқий ҳимоя қилиш бўлими ташкил этилди. Вилот давлат мулк бошқармасида ишлаб турган «Ишонч» телекомпанияси шу мақсадларда кенг фойдаланиляпти. Назорат қилувчи идоралар томонидан ҳўжалик субъектлари ҳўқуқларини камситиш ва бошқа шу каби бузилишларнинг олдини олиш мақсадида республика савдо-саноат палатаси ва унинг бўлимчаларида тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини текшириш вақтида қузатувчилар сифатида қатнашиш ҳўқуқи берилди.

Шу йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш учун 1218 та ариза тушди. Уларнинг ҳаммаси қаноатлантирилди. Шундай қилиб, 2005 йилнинг 1 апрель ҳолатига юридик шахс ҳўқуқини олган бундай тузилмалар соҳа 20 миң 426 тага етди. Шу жумладан, уларнинг 8335 таси фермер ва 1819 таси деҳқон ҳўжаликларида. Вилот янги ички маҳсулотни ҳажмида хусусий тадбиркорларнинг улуши 30 фоизни ташкил этди.

2005 йил учун белгиланган кичик бизнеснинг янги ички маҳсулот ҳажмидаги улушини кўпайтириш бўйича таъминоти бажарилишини таъминлаш учун янги барпо этилган бундай тузилмаларнинг ўзлари белгиланган соҳа бўйича фаолиятлари мунтазам таҳлил қилинмоқда. Шуниси эътиборга сазоворки, рўйхатга олинган юридик шахс ҳўқуқига эга бўлган тузилмаларнинг 10,6 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд. Бу ўтган йилдаги нисбатан анча кўпдир.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

ҳандислик тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, рекламага йўналтиришга. Чунки, Паркент тумани фуқароси Хусниддин Ризаев тадбиркорлик фаолиятини кичик савдо корхонаси ташкил этишдан бошлаган эди. Вақт ўтиши билан у барпо этган «Заркент» фирмаси ўз фаолиятини кенгайтирди. Салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундан ташқари, ўтган йили ўтказилган тендер савдоларида инвестиция киритиш мажбурияти билан соғломлаштириш оромгоҳини сотиб олди ва бу ерда болавларнинг дам олишини уюштирди. Пскент туманидан тадбиркор Хувриниса Тошматова ҳам ўз ишини кенгайтириб бормоқда. У дастлаб кичик савдо корхонаси очган эди. Кейинчалик гишт заводи қурди, бу йил эса автомобилларга ёнилий қуйиш тармоғини фойдаланишга топширди. Зангиота туманида очилган «Бўзсув лотос» қўш-ўлаш чиқариш корхонаси ҳам хизмат доирасини ривожлантирмоқда. Аёллар учун мўлжалланган бу корхонада кам таъминланган оилалар қорин-қизлари тикувчилик, чеварлик, новалари, турли хил қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдалар. Уларнинг фарандолиги учун болалар боғчаси очилди. Корхонада сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устанонаси ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари ҳам ташкил этилди. Одатда бундай корхоналарда

қатнашдилар. Бу йил ҳам одатдагидек унда йўналишда ташкил этилган бу танловда 20 нафар тадбиркор, 13 нафар фермер ва 20 нафар ҳўнарманд иштирок этди. Қўриқ-танлов якуни бўйича тадбиркорлик йўналишида биринчи ўринни Чирчиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Чирчиқ-Пекен» масъулияти чекланган жамияти эгаллади. Фермерлик йўналишида Тошкент туманида «Тўхтағиёз ота» фермер ҳўжалиги,

Уни МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларининг янги бозорлаштириш кўргазмалар ва конференциялар ўтказиш бўйича етакчи Буюк Британия ITE Group Plc компанияси ва унинг «Ўзбекистондаги бўлими» ҳамкорлигида ташкил этилди. Бу компания ҳар йили жаҳоннинг 25 мамлакатидан 250 дан ортиқ халқаро кўргазмалар уюштирди.

Уч кун давом этган кўргазманинг авиация-кўтариш, антитеррор ускуналари бўлимларида қўйилган мосламалар, кулф ва сейфлар, ахборотни ҳимоя қилиш, муҳофазат телевидениеси ва куза-

тиш, ёнгини ҳавфсизлиги ва ёнгиндан ҳимоя қилиш тизимлари, махсус кийимлар, анжомлар ва транспортлар, шахсий ҳавфсизлик воситалари ва бошқа бўлимлардаги экспонатлар мутахассисларда ҳам, томошабинларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Унда республикаимиздаги қатор қорхоналар ва кўшма қорхоналар, айрим чет эл ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар. Кўргазма давомида қўйилган асбоб-ускуна ва анжомларни сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ган бизнес-инкубаторларда билимларини оширмоқдалар. Қўриқ туманидаги Аграр университети ҳузурда ташкил этилган бизнес-инкубатор базасида деҳқон-фермер ҳўжалигини раҳбарлари ва мутахассислари ўқимолар. Чирчиқ шаҳрида ўтган йил охирида бошлаб вилотда биринчи иқтисодий соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича коллеж иш бошлади. Унга 150 ўқувчи қабул қилинди. Улар уч йил ўқиб, коллежни битириб чиққан, мутахассис ихтисоси бўйича иш ўрни билан таъминланиши кафолатланган.

Утган йилнинг тўртинчи чорагида вилот хотин-қизлар кўмитаси ҳузурдаги «Ҳамкорлик» клуби томонидан ўқув маҳсулотлари ўтказилди. Утган йилнинг октябрида эса вилотнинг «Лочин» савҳат мажмуасида тадбиркорликни бошловчилар учун семинар-тренинг бўлиб ўтди. Уни россиялик тадбиркор Ю. Морознинг «Ўз иши мактаби» ташкил этди. Семинар ишида Қозогистон, Россия, Украина ва Ўзбекистондан тадбиркорлар қатнашдилар. Унда ўқиш икки йил давом этди. Таълим-тарбия масофадан интернет орқали ҳам олиб борилиши мумкин.

Бошқармаимиз ўзининг амалий фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонларни ҳар томонлама рағбатлантириш, халқ ҳўжалигининг барқарорлигида хусусий қорхоналарнинг барпо этиш масалаларида маҳалла бўлимчалари шу йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик тузилмаларига жами бўлиб 4 миллиард 616,6 миллион сўм кредит ажратди.

Бундан ташқари, ноёбкидек жамғармалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шу йилнинг биринчи чорагида 111,1 миллион сўм миқдорда кредит берди. Бу ўтган йилнинг шу даврида ажратилган кредитларга нисбатан анча кўпдир.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига турли масалалар бўйича ахборот-маслаҳатлар билан ёрдам бериш ҳам қўлаймоқда. Вилот савдо-саноат палатаси бошқармаси ҳузурда ташкил этилган ахборот-маслаҳат марказлари шу йилнинг биринчи чорагида тадбиркорларга 35 миллион сўмлик хизмат кўрсатди. Бу шу даврга мўлжалланган таъмирларга нисбатан 2,6 баробар кўпдир.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Улар Олмалик ва Чирчиқ шаҳарларида тузил-

Хар қафт тупроғи — олтин, хар томчи суви — зар, иклими — инсон учун муборак бир неъмат бўлган Ўзбекистонда халқнинг моддий турмуш даражасини, юрт-эл маъмуричилигини қадим-қадимдан қишлоқдаги ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатларининг оқилоналиги белгилаб келган. Миллий мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Юртбошимиз қишлоқда тубли янгилашларнинг ахлит дастурини илгари суриб, қишлоқдаги ислохотларнинг кўлами ва самардорлигига алоҳида эътибор қарата бошлаганларининг боиси мана шунда.

Бугун қишлоқда мулкчилик хилма-хиллигига асосланган иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари кенг қулоч ёйди. Фермерлар — бу жараённинг қалдирғочларидир. Президентимизнинг «Фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони уларнинг парвозига янги шижоат ва жўшқинлик бағишлади. Хилма-хил мулкчилик

асосидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ялпи маҳсулот ҳажмида фермер хўжалиқларининг ҳиссаси йил-сайин ортиб бормоқда. Давлат гамжўрлиги — молия, банк, агроқимё ва техника хизматлари шохобчаларини кенгайтириш, барча бўғинларда рақобат муҳити юзага келиши учун қулай шароит яратиши фермерлар ҳаракати раванк топишига асосий омил бўлаётир.

Ҳурматли газетхон, ушбу саҳифада фермерлик ҳаракатининг кейинги пайтлардаги раванки, фермер хўжалиқларида ортирилган тажрибалар, қишлоқда ишлаб чиқаришнинг агросаноат ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини барпо этиш йўлидаги савй-ҳаракатлар билан танишасиз. «Фермерлик ҳаракати: кеча, бугун, эртага» — бу рухн газетамиз саҳифаларидан муқим урин олади. Биз фермерлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, қишлоқ меҳнат-қашларининг — сизларнинг хат-хабарингизни кутамиз.



Бекобод туманида фермер Каюм Жабборовни мўл ҳосил устаси сифатида танишди. Бу йил тахрибали деҳқон 31 гектар майдонда галла, 28 гектар майдонда пахта етиштирмоқда. СУРАТДА: Фермер хўжалигининг раҳбари Каюм Жабборов галлазорда.

КўЛАМНИ КЕНГ ОЛДИК

Республикамизда фермер хўжалиқларини ривожлантириш дастурининг илчил амалга оширилиши асл деҳқонларимиз, чорвадорларимиз ва боғбонларимизнинг иқтидорларини намоён этишлари учун кенг имконият яратиб берди. Шу сабаб мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фермерлик ҳаракати юқалиш сари юз тутди.

Вилоятимизда фермер хўжалиқларини ривожлантириш, уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Утган уч йилда фермер хўжалиқлари 2144 тага кўпайди. 2002 йилгача вилоятдаги экин майдонларининг 55518 гектари фермерларга бириктирилган бўлса, бу рақам 2004 йилда кескин ошиб, 109397 гектарни ташкил этди. Бугунги кунда вилоятимизда 7824 фермер 134696 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда.

Истиқлол туфайли асл чорвадор ва боғбонларнинг орзулари рўйбга чиқди. Вилоятимизда 796 та чорвачиликка, 821 та боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари кенг кўламада иш олиб бормоқда. Уларнинг гайратли билан янги боғлар барпо этил-

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

ди, зотли, наслдор қорамоллар кескин кўпайди. Пахта хом ашёси етиштиришда фермер хўжалиқларининг улуши деярли 40 фоизни ташкил этмоқда. Уч йил илгари бу кўрсаткич 21,3 фоиз эканлиги эътиборга олинса, ўсиш суръатлари салмоқли бўлаётганлиги аниқлашди.

муайян ишлар амалга оширилмоқда. Улар хўжалик судларига киритган 58 миллион 125,3 минг сўмлик 121 та давво ариза тўлиқ қаноатлантирилиб, шу кунга

даги деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмалари қошида ахборот марказлари, маркетинг хизмати бўлимлари фаолият олиб бормоқда.

ришга муваффақ бўлишди. Айни вақтда вилоят фермер хўжалиқлари қошида ўзлари етиштираётган маҳсулотларни қайта ишловчи 21 та корхона фаолият юритмоқда. Улар асосан сутни ва гўштни қайта ишлашга ихтисослашган.

Шунингдек, фермерларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга, яъни турли текширувлар, буйруқбозликлар, аралашувларга барҳам бериш борасида ҳам

қадар 26847,6 минг сўми ундириб берилди. Фермерлар малакасини ошириш ҳам эътибордан четда қолмади. Ҳозиргача уларнинг 2590 нафари мутахассислар томонидан ўқитилиб, керакли қўлланмага эга бўлди. Шулардан 13 нафари чет элда тахриба ўрганиб қайтди. ЮСАИД дастури бўйича эса 420 нафар фермер ўқитилди. Булардан ташқари туманлар-

ҲОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Фермерлар олис-яқин ҳорижий мамлакатларда шериклар билан фойдаланиш ҳақиқатдан кенгайтирилмоқда. Турли мамлакатлардаги деҳқончилик тажрибасини ўрганиш ва юртимизда жорий этишга қизиқиш кучайиб бораётир. Бу жараёнда вилоятимизнинг илгор фермерлари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари Малик Каримов Миср давлатида бўлиб, қишлоқ хўжалик тажрибаларини ўрганиш ва замона-

ворий тизими нималарга асосланганлигини муқаммал ўрганиб чиқди. Мисрликларнинг қулпна-йиши Ўзбекистонда экин қўлайтириш бўлимига алоҳида эътибор берилди. Шу билан қулпна-йишлик соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бизнинг қулпна-йишларни мисрликлар ҳам ўз ерларида синая кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Фаррух НУРМУҲАМЕДОВ.

Тахриба ва ташибус

РАҒБАТ — ЮТУҚҚА ҚАНОТ

Олти йил ичида иккита ҳайдов, битта чопиқ трактори сотиб олинди. Утган йилнинг ўзида пахтадан 37 центнер, галладан 42 центнердан ҳосил олиб, 2 миллион 700 минг сўм соф даромад қилинди.

Бундай миришкор фермерларга ерларни бемалол ишониб топшира бўлади. Чунки, улар узок йиллар экин ичида юриб, бу соҳанинг банд-пастини обдон ўзлаштириб олишган.

— Ер майдоним кам, — деб афсусланади Т. Сунонов. — Қани энди қўшимча ер олсам. Яна 100-150 гектар ерда фаолият юритишга кучим етмади. Фақат бир нарсасига ҳайронман. Тугатилётган ширкат хўжалиқларининг ерлари тендер асосида фермерларга бўлиб берилмоқда. Бу яхши, албатта. Бирок уларнинг аксариятини ер майдонига катта, ўзига етарли бўлган фермерларга қўшиб бериляпти. Ахир, биз ҳам олти йилдан бундан давлатнинг ишончини оқлаб келаяпмиз-ку. Аммо...

«Сарқор» фермер хўжалиги аниқ кунда худудда жойлашган хўжалиқлараро биофабрикани отадиққа олган. Бу биофабрика иқтисодий томондан танг аҳволга келиб қолган эди. Уни қайта тиклаш учун анча маблағ сарфладиқ. Янги бино қурдиқ, керакли асбоб-анжомларни сотиб олдиқ. Ҳозир олтинқуз, трихотрамма, ҳаробракцион етиштираяпмиз. Хўжалиқлардан буюртмалар тушган. Уларнинг донасини 3 сўмдан, граммини 400 сўмдан сотишни режалаштираяпмиз.

«Сарқор» фермер хўжалигимиз ҳам ўзининг тахрибаси ва эриштирган ютуқлари билан қўшчиликка ўрнак бўлаётир. Фермерликни 1994 йилдан бошладим. Фаолият бошлаганимда ердан бошқа ҳеч вақоим йўқ эди. Бизга яратилётган шароитлар, имкониятлар туфайли мана ҳозир 2 та «Беларус», 2 та ҳайдов ва 1 та К-700 тракторим бор. Техникамиз ўзимизнинг юмушларни бемалол бажариш учун етди. Ҳатто, баъзи вақтларда қўшчиларга ижарага ҳам бериб тураимиз. Фермер хўжалигимизнинг 65 гектар ери бўлиб, шундан 12 гектари боғ, 10 гектарида

Вилоятимизда ўз ишининг устаси бўлган фермерлар кўп. Улар юртимизни обод қилишни қўлаб ҳайрли ишларни амалга оширишмоқда.

Жўра ШОКИРОВ, Бўка туманидаги «Сарқор» фермер хўжалигининг раҳбари.

ХАРИДОРГИР ЙОГУРТ

Қибрай туманидаги «Солиҳ» фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш корхонасида йогурт тайёрлаш йўлга қўйилди.

Турли мевалар таъмига эга бўлган ва маҳсулот фойдали хусусиятлари билан ички ва ташқи истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Корхонада шундай экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш режалаштирилмоқда.


СОҒЛОМ РАҚОБАТ ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК РИВОЖИ

Қишлоқ хўжалиги ривожини техника воситаларимизда тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда соҳани илгор техника ва технология билан таъминлаш, деҳқоннинг оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор бериляпти.

Айниқса, кейинги йилларда соҳага хориждан ўнлаб турдаги замонавий техника воситалари келтирилганлиги эътиборга моликдир. Ўз навбатида, бу агрегатлардан унумли фойдаланиш, уларни доимо шай ва жамланган ҳолда сақлаш ҳамда малякали сервис хизмати кўрсатиш талаб этиляпти. Яқинда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят худудий бошқармаси «Агро-машсервис» бирлашмасига қарашли корхоналарнинг «Магнум» русумли тракторларда ер ҳайдаш хизмати тарифларини тахлил қилиб, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилаётганини аниқлади. Урганишлар давомида 15 фоизли амортизация харажатлари 1795 сўмга ва умумий ишлаб чиқариш харажатлари 1870,7 сўмга камайтирилди. Бунинг таъсири улароқ хар гектар ерни «Магнум» ҳайдов тракторларида дизель ёқилгисиз ҳайдаш 4122,5 сўмга камайирилиб, 19873,71 сўмга туширилди.

Хозирги кунда вилоятда 158 та «Магнум» тракторлари мавжуд. Агар 2005 йилда уларнинг хар бирига 1200 гектардан ер ҳайдаш тўғри келиб, жами 189600 гектар майдон шудгорланса, 781,6 миллион сўм тежаллади. Шу муносабат билан худудий бошқарма вилоят «Агро-машсервис» бирлашмасига «Магнум» тракторларида (дизель ёқилгисиз) ер ҳайдаш шартномавий нархларини молия органи орқали тасдиқлашти тўғрисида топшириқ берди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, соҳада иш сифатини оширишнинг энг маъқул йўли — рақобат муҳитини яратиш. Бунинг учун муқобил, яъни хусусий МТПларни кўпайтириш керак. Тўғри, бутун мамлакатимизда кўплаб ана шу турдаги корхоналар фаолият юритмоқда. Улар билан давлат МТПлари ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш лозим. Қайси МТП хизмати арзон ва сифатли бўлса, табиийки, унинг миқозлари кўпаяди. Қолаверса, бошқалар ҳам шундай ишлашга интилиб, бозор иқтисодиётига мос рақобат юзага келади.

Хосият МАВЛОНОВА.



Бугунги гул ва шоналар кузги мўл ҳосилнинг асосини ташкил этади. Бекобод туманидаги «Галаба» фермер хўжалигининг механизатори Намжон Аъзамов (суратда) буну жуда яхши билади, шу боис озиқлантириш, қатор орала-

рини юмшатиш ишларини сифатли бажариб, хар туп гўза серҳосил бўлиб ўсишига муносиб ҳисса қўймоқда.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

ЭЛНИ ЕР БОҚАДИ

Фермер хўжалиқларининг аксарияти хар томонлама ривожланиб бормоқда. Бирок, улардан айримларининг обёққа туриб олиш жараёни енгил кечмаяпти. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Ҳаракатлар бошланганининг дастлабки пайтларида фермер

бўлиб, ўз куч-имкониятини, иқтидорини юрт хизматида сарфламоқчи бўлган кишиларга кўп ҳолларда «ориқ», ташландиқ ер майдонлари берилди. Деҳқонлар бундай ерларни қовурилиши учун ўз ёғларига ўзлари қовурилиши

Бугунги кунда пахта ва галлага давлат буюртмаси сақлаб турилганлиги сабабли фермерлар етиштираётган маҳсулотларнинг асосини шу экинлар ташкил этмоқда. Маълумки, Президентимизнинг

2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида хўжалиқларнинг ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда ва тузилган кон-

нинг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ерларда Уставада назарда тутилган доирада мустақил ташкил этиш ҳуқуқи белгиланади.

Бир қатор фермерлар Фармон ва Қонуннинг шу бандларини ўзларига талқин қилиб, ерни ижарага олганимиздан кейин хоҳлаган экинларни эказимиз, деган тушунича боришди. Бирок, масаланинг яна бир томони шундаки, ер эгасининг ҳуқуқи ва ер ижарага берилишида қўлланган бош мақсадни унутиб қўймаслик керак. Ерни ижарага берувчи ўзининг муайян шартларини қўйиши таъин. Шунга кўра, шартномада экин турлари аниқ кўрсатилади. Моддий ресурслар, минерал ўғит, ёниги-мойлаш ашёлари, техника, иш ҳақи учун бўнак пули ва ҳоказолар билан таъминлашда ҳам шу жиҳат алоҳида эътиборда бўлади. Шунинг учун фермер давлат буюртмасини бажариши

«НУР-ФАРРУХ»НИНГ ЯНГИ КОРХОНАСИ

Қибрай туманида фаолият юритаётган «Нур-Фаррух» фермер хўжалигида янги ҳеч иш бошланди. Маъзур кичик корхона қурилишда муҳим уринга эга бўлган бўёк ва лак ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда турли рангдати бўёқлар тайёрланмоқда. Шунингдек, корхонада темир, ёғоч ва деворлар учун алоҳида бўёқлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шерзод ШУКУРОВ.

(Материалларни «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ ва Камолдин АСҚАРОВ тайёрлашди).


НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР АМАЛИЁТГА

Ангрен политехника касб-хунар коллежиди халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали мутахассисларни тайёрланади. Бу ерда янги педагогик технологияларни жорий этиш, таълимда ислохотларни чуқурлаштириш сингари давр талабидидаги йўналишлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Қарорлар тайёрлаш миллий дастурининг ижросига хизмат қилмоқда.

Илм масканида 1253 ўқувчи кундаги бўлимида, 615 ўқувчи эса сиртдан тахсил олмақда. Уларнинг чуқур билим олишларида коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Фарид Умарова, иқтисод билимлари асослари фани ўқитувчиси Турсункул Разақов, маънавий-маърифий ишлар бўйича иш олиб бораётган Гулчехра Холдибекова, физика ўқитувчиси Мақсуда

Эржаббева, автотранспорт соҳаси бўйича ўқитувчи Бахтиёр Мақамов, компьютер ахборот технологияси фани ўқитувчиси Улмасой Хидированин хизматлари катта бўляпти. Коллеж раҳбариятининг ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла ва ота-оналар билан ўрнатган яқин ҳамкорлиги таълим-тарбия ишларининг яхши-лашшига замин яратмоқда. Коллежда спортни омма-

Ангрен политехника касб-хунар коллежи



2005-2006 ўқув йилига умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилади:

1. Автомобиль транспортда ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш тахсилоти-техник.
2. Автотранспорт воситаларини ишлашти ва таъмирлаш.
3. Менежер.
4. Бухгалтер-аудитор.
5. Тоғ-кон техник.
6. Тоғ-кон электр жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича механик.
7. Фойдали қазилмаларни бойитиш машина ва қурилмаларини ишлашти бўйича механик (рудани бойитиш).
8. Рудани бойитиш жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича механик.

Коллежда «Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш» маркази мавжуд. Коллеж ўқувчилари вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадалари, маънавий-маърифий тадбирларда ва «Барқамол авлод» спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришишди. **Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.** **Ўқишга қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:** 1. Директор номига ариза; 2. Маълумоти ҳақидаги шаходатнома; 3. Тиббий маълумотнома (форма У-086); 4. Фотосурат — 4 дона 3х4 ҳажмида; 5. Турар жойдан маълумотнома; 6. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома.

Коллеж маназили: Ангрен шаҳри, Чилқиртов кўчаси — 26-уй. Тел.: (код 276) 2-62-94, 2-63-87. Ангрен политехника КХК Консултация маркази.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

